



УЎТ:635.792+632.74

**Помидор зараркундаларига қарши Xlorfenapir Extrim, 50% н.кук.
препаратининг биологик самарадорлиги**

Ташпулатов Уйгун Бекмурзаевич, қ.х.ф.ф.д.

*Тошкент давлат аграр университети, Ўсимликларни ҳимояси ва карантини
кафедраси,*

Рахматов Асрор Ахрорович

*Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти лаборатория
мудир, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди*

Аннотация. Ушбу мақолада помидор агробиоценозида энг кўп учраб зарар келтирадиган зараркундалари оққанотнинг имогаси ва личинкалари ҳамда помидор куясига қарши Xlorfenapir Extrimim, 50% н.кук. препарати синовдан ўтказилган. Олиб борилган синов натижаларига кўра, ушбу препарат қўлланилган вариантларда биологик самарадорлик оққанот личинкаларига қарши 87,1% ни, оққанот имаголарига қарши 89,9% ни ва помидор куясига қарши 91,0% ни ташкил этган.

Калит сўзлар: Помидор, агробиоценоз, оққанот, личинка, препарат.

Аннотация. В данной статье был испытан препарат Xlorfenapir Extrimim, 50% с.п. наиболее распространенных вредителей в агробиоценозе томата – личинки и имаго белокрылки, а также томатной моли. По результатам проведенных испытаний биологическая эффективность составляла против личинок белокрылки – 87,1%, против имаго белокрылки -89,9%, а против томатной моли – 91,0%.

Ключевые слова: Томат, агробиоценоз, белокрылки, личинка, препарат.

Annotation. In this article, the drug Chlorfenapyr Extremem, 50% pp was tested. The most common pests in the tomato agrobiocenosis are the larvae and imago of white beetle, as well as tomato moth. According to the results of the tests, the biological effectiveness against white milk larvae was 87.1%, against white milk adults - 89.9%, and against tomato moth – 91.0%.

Keywords: Tomato, agrobiocenosis, white beetles, larva, preparation.

Республикамизни иқлим шароитини қулайлиги, сунъий суғориш имконияти ва тупроқнинг унумдорлиги, бу ерда хилма-хил сабзавот экинлари ўстириш ва улардан



мўл-кўл ҳосил олиш имкониятини беради. Ҳозирги вақтда кўпчилик илмий муассасалар сабзаёт ўстириш, етиштириш уларни биологияси, агротехникаси ҳамда селекциясини ўрганиш бўйича тизимли иш олиб бормоқдалар. Сабаёт экинларини етиштириш давомида, унда ўзига хос зараркунандалар ҳам пайдо бўла бошлади. Сабаёт экинларини зарарлайдиган зараркунандалар ичида ғўза тунлами, помидор куяси, оққанот ва ўргимчакканалар катта зарар келтиради. Бу зараркунанда ўзининг яшаш ва ривожланиш даврида иссиқхоналардаги сабаёт экинларининг турли хил органларига зарар келтиради. Агар бу зараркунандаларга ўз вақтида кураш чораси қўлланилмаса сабаёт экинлари жиддий зарар етказади.

Олимларнинг маълумотларига кўра, дунёда қишлоқ хўжалиги зараркунандаларининг 500 дан ортиқ турлари, фитопатогенларнинг 180 тури ва бегона ўтларнинг 150 дан ортиқ турлари қайд этилган бўлиб, уларнинг популяцияларияларига қарши амалда камида битта қўлланиладиган пестицидга чидамлилиқ хосил қилган [1, 3, 5].

Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини истеъмол қилаётган одамларнинг соғлиғига жиддий зарар етказилиши кўпайиб бормоқда. Бунинг сабаби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар томонидан пестицидлардан фойдаланиш қоидаларини қўпол равишда бузишлиши, асариларнинг нобуд бўлиши ҳолатлари бўлмоқда [2, 6].

Маълумки, зараркунандаларга қарши курашнинг энг мақбул ва самарали усуллари, ўсимликларни химоя қилиш тизими ҳисобланади. Ўсимликларни уйғунлашган химоя қилишда зарарли организмларнинг иқтисодий мезон чегараларини ҳисобга олган ҳолда, зараркунандаларга қарши кураш, иқтисодий, экологик ва токсикологик талабларга жавоб берадиган барча бошқа усуллардан фойдаланиш. Уйғунлашган кураш тизимини ўзига хос хусусияти барча кимёвий бўлмаган воситалар, техникалар ва пестицидлардан фойдаланишни тартибга солиш (чеклаш) дан тўлиқ фойдаланишдир [7, 9].

Тадқиқот усуллари. Тажрибаларни амалга ошириш, кейинги қайдлар ва биологик самарадорликни ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё



комиссияси томонидан тасдиқланган “Услубий кўрсатмалар” (2004 й.) асосида амалга оширилди [9].

Тадқиқот натижалари. 2023 йил Тошкент вилояти Қибрай тумани Лимонария маҳалласи “Мухаммад Азиз Азим Мустафо Нур” МЧЖ иссиқхонасида экилган помидор экинларида Xlorfenapir Extrim, 55% н.кук. препаратини 0,2 кг/га меъёрида оққанот ва помидор куясига қарши синовдан ўтказилди.

Ушбу препаратни синовдан ўтказишда оққанотларга қарши, помидор ўсимлигида самарадорлик личинка босқичида ҳам, имога босқичида ҳам амалга оширилди. Оққанот личинкаларига қарши, 0,2 кг/га сарф меъёрида қўлланилганда 1-куни самарадорлик 31,4% ни ташкил этди (1-жадвал), 3-кунида 62,3% гача кўтарилди ва 7-кун 81,9 % гача, 14-кун 87,1% гача ва фақат 21-куни 74,5% гача пасайгани кузатилди. Бу натижалар андоза сифатида қўлланилган К-Killer препарати, сарф 0,6 л/га меъёрида қўлланилгандаги кўрсаткичлари билан деярли тенг бўлди. Бунда 1-куни самарадорлик 31,8%, 3-кун 62,6%, 7-кун 87,3%, 14-кун 88,0% ва 21-кун 76,0% ни ташкил этди (1-жадвал).

Xlorfenapir Extrimim, 50% н.кук. препаратини 0,2 кг/га сарф меъёрида оққанотнинг етук зотларига қўлланилганда. 1-куни биологик самарадорлик 77,9% ни ташкил этди, 3-куни 84,1% , 7-куни 88,5% фақат 14-куни 89,9%, 21-кунига келиб бир оз пасайди 85,0% ташкил этди. (1-жадвал). Бу натижаларда ҳам, К-Killer, 10% э.к. препарати 0,6 л/га, сарф меъёрида қўлланилган варианты билан яқин натижа кўрсатди ва 1-куни самарадорлик 78,6%, 3-кун 88,8%, 7-кун 89,0%, 14-кун 86,2% ва 21-кун 82,3% ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Xlorfenapir Extrimim, 50% н.кук. препаратининг помидор экинидаги оққанотларга қарши биологик самарадорлиги

(Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Мухаммад Азиз Азим Мустафо Нур” МЧЖ 2023 й.)

№	Вариантлар	Препарат-нинг	1 та зарарланган баргдаги ширалар сони, дона	



		сарф меъёри, кг/га	Ишлов дан олдин	Ишловдан кейинги кунлар:					Биологик самарадорлик кунлар бўйича%				
				1	3	7	14	21	1	3	7	14	21
Личинкалар													
1	Xlorfenapir Extrimim, 50% н.кук.	0,2	14,6	10, 7	6,9	3,6	2,8	4,8	31, 4	62, 3	81, 9	87, 1	74, 5
2	К-Killer, 10 к.э. (андоза)	0,6	16,2	11, 8	7,6	2,8	2,9	5,0	31, 8	62, 6	87, 3	88, 0	76, 0
3	Назорат (ишлов берилмаган)	-	11,8	12, 6	14, 8	16, 1	17, 6	15, 2	-	-	-	-	-
Имаго													
1	Xlorfenapir Extrimim, 50% н.кук.	0,2	25,2	5,7	4,2	3,1	2,8	4,6	77, 9	84, 1	88, 5	89, 9	85, 0
2	К-Killer, 10 к.э. (андоза)	0,6	23,7	5,2	2,8	2,8	3,6	5,1	78, 6	88, 8	89, 0	86, 2	82, 3
3	Назорат (ишлов берилмаган)	-	29,7	30, 4	31, 2	31, 8	32, 8	36, 1	-	-	-	-	-

2-жадвал

Xlorfenapir Extrim препаратининг помидор экинидаги помидор куясига
қарши биологик самарадорлиги

(Тошкент вилояти, Қирай тумани, “Мухаммад Азизи Азим Мустафо Нур” МЧЖ
28.08.2023 й.)

№	Вариантлар	Препарат- нинг сарф	1 ўсимликдан ҳисобланган ўртача мевалар, дона	Зарарланган мевалар, %	Ишлов берилгандан сўнг,
---	------------	------------------------	---	---------------------------	-------------------------------



		меъёри, кг/га	Ҳаммаси	Зарарланиш даражаси		назоратга нисбатан %
1	Xlorfenapir Extrimim, 50% н.кук.	0,2	32,6	1,1	3,4	91,0
2	Huphose Total, 57,5% к.эм. (андоза)	0,4	31,8	1,4	4,4	88,2
3	Назорат (ишлов берилмаган)	-	28,4	10,6	37,3	-



2-расм. Андоза варианты



3-расм. Тажриба варианты

Xlorfenapir Extrimim, 50% н.кук. препарати 0,2 кг/га сарф меъёрида, помидор экинларидаги оққанотларга қарши личинка босқичида ҳам, етук зот босқичида юқори самарадорликни кўрсатди.



Xlorfenapir Extrimim, 50% н.кук. препарати 0,2 кг/га сарф меъёрда помидор куясига қарши ҳам синовдан ўтказилди. Ушбу препарат билан ишлов берилгандан сўнг, назоратга нисбатан 91,0% самарадорликни ташкил этди (2-жадвал).

Андоза сифатида Нурфосе Total, 57,5% э.к. препарати 0,4 л/га сарф меъёрда помидор куясига қарши қўлланилган вариантда эса назоратга нисбатан 88,2% самарадорликни ташкил этди (2-жадвал).

Хулоса. Олиб борилган синов натижаларига кўра, Xlorfenapir Extrimim, 50% н.кук. препаратини 0,2 кг/га сарф меъёрда оққанот личинкаларига қарши 87,1% ни, оққанот имаголарига қарши 89,9% ни ва помидор куясига қарши 91,0% биологик самарадорликка эришилганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абрамова Т.Л. Резистентность оранжерейной белокрылки к инсектицидам. Абрамова Т.Л.// Химия в сельском хозяйстве 1982. - №1. – С.24- 27.
2. Байку Т. Некоторые принципы построения интегрированных систем защиты растений в условиях промышленных технологий возделывания сельскохозяйственных культур /Байку Т. // Инф. Бюл. ВПС МОББ. 1986. - № 16. – С.53-64.
3. Брызгалов В.А. Овощеводство защищенного грунта /Брызгалов В.А., Советкина В.Е., Савинова Н.И. // - Л. "Колос", 1988. - С.14-15.
4. Еленков Е. Интегрированная борьба с вредителями и болезнями овощных культур /Еленков Е., Христова Е., Логинова Е., Спасова Н.// Промышленное производство овощей в теплицах. М.: «Колос», 1977. – С. 240-260.
5. Зильберминц И.В. Токсичность пестицидов для тлей и паутинного клеща. Зильберминц И.В.Журавлева Л.М.// Химия в сельском хозяйстве. - 1978. №6. – С.53-55.
6. Корнилов В.Г., Иванова Г.П. Комплексная система борьбы с тепличной белокрылкой в защищенном грунте// Методы и средства защиты растений в условиях интенсификации растениеводства. Тр. ЛСХИ. Елгава, 1987. -Вып.237. – С.31-34.
7. Котикова Г.Ш., Алексеева С.П. Методические указания по государственным испытаниям фунгицидов, антибиотиков и протравителей семян



сельскохозяйственных культур. – Москва, 1985.
– С.106-108.

8. Ходжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар. – Тошкент, 2004. – С.83–90.
9. Юваров В.Н. Использование инсектицида актара ВДГ (250 г/кг) при выращивании овощных культур способом малообъемной гидропоники/ Юваров В.Н., Мешков Ю.И., Горшкова Е.В., Яковлева И.Н. //Гавриш. 2001. – №6. – С. 11-14.

